



“ТАСДИКЛАЙМАН”
ТАТУ Фарғона филиали директори
А.М.Расулов
“05” декабрь 2021 йил

99. ТЕХНИК Фойдаланиш ва хўжалик бўлими қоровулнинг ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:

- Филиал ҳудудига ташқаридан бегона автотранспорт воситалари ва бегона шахсларни рухсатномасиз киришига йўл қўймаслик;
- Филиал ҳудудига фақат директор томонидан рухсат этилган транспорт воситаларини киритишни таъминлаш;
- Худудга кираётган фуқароларнинг буюмларини назоратдан ўтказиш ва шубҳали буюмларни олиб киришга йўл қўймаслик ҳамда бу ҳақда бевосита раҳбарига хабар бериш, тунги вақтларда эса шубҳали шахслар ва буюмлар ҳақида ички ишлар органларига белгиланган тартибда хабар бериш;
- Биноларга кириш эшикларини, худудга кириш дарвозаларини, ер тўла ва чордоққа чиқиш эшикларини доимо кулфланган ҳолда сақлаш;
- Ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш, доимо хушёр туриш;
- Иш жойларида ва навбатчилик вақтида спиртли ичимлик ичмаслик, ухлаб қолмаслик, худуд ва бино ички қисмини доимо назорат қилиб бориш;
- Навбатчилик давридаги ҳолатлар юзасидан масъул ходимларга маълумот бериш;
- Навбатчилик вақтида содир бўлган нохуш ҳодисалар тўғрисида раҳбариятга ва жамоат тартибини сақловчи ташкилотларга хабар бериш;
- Техника хавфсизлиги бўйича даврий йўриқномалардан ўтиш;
- Иш вақтида белгиланган тартибдаги формада бўлиш;
- Филиал худудидан товар моддий бойликларни фақат белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар (юк хати, рухсатнома, ишонч қоғози) мавжуд бўлганда олиб чиқиб кетишга рухсат бериш;
- Моддий бойликларни ўғирланишига йўл қўймаслик чораларини кўриш;
- Қоровулхонани саранжом саришта ва тоза бўлишини таъминлаш;
- Навбатчиликни белгиланган тартибда қабул қилиб олиш ва топширишни амалга ошириш;
- Филиал ички тартиб қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш.

Билиши керак:

Хавфсизликни таъминлаш бўйича йўриқномалар ва меъёрий ҳужжатларни, Филиал ички тартиб-қоидаларини, раҳбарият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган тўғрисидаги маълумотларни билиши.

Малака талаблари:

- Намунавий шахсий фазилатларга, маданиятли, хушмуомалалик ва тезкорлик қобилиятларига эга бўлиши, масъулият ҳисси;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

Классификатор бўйича:

№	Лавозимлар номи	ММСК бўйича код	Ходимлар тоифаси	Маълумотнинг энг паст даражаси	ЎМҚТМТЙКМ ва ОТИМК бўйича коди
4853	Қоровул	9152	Х	Маълумот талаб қилинмайди	